

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 256 (1003)

29
ДЕКАБРЬ
ЯКШАНБА
1957 ЙИЛ
БАҲОСИ
30 ТИПИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1957 йил 28 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди.

Пленум ташкилий масалаларни кўрди.

Ўртоқ Н. А. Муҳитдинов Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан Пленум уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретарлиги ва бюро аъзосидан озод қилди.

Пленум ўртоқ С. Н. Намоловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

Марказий Комитет Пленуми Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ О. А. Алимовни, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Ҳ. Намбаровни ҳамда ўртоқ Р. Ғ. Ғуломовни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси қилиб сайлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. А. Муҳитдинов нутқ сўзлади.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ АЖОЙИБ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Совет социалистик тузумининг энг муҳим ғалабаларидан бири мамлакатимизда яшовчи барча миллатлар эканлиги ва маданиятининг мавж уриб юксалганлигидир. Катта ва кичик ҳар бир социалистик миллат совет жамиятининг ишлаб чиқаруви кучларини ривожлантиришга, унинг маънавий ҳаётига, коммунизм қуриш ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Халқларнинг бу аилмас дўстлиги — кўмиллатлар давлатимиз куч ва мустақамлигининг манбаидир.

Барча совет кишилари шу кунларда украин халқининг ҳаётидаги шонли кунни — Совет ҳокимияти барпо қилинганлиги ва Украина ССР ташкил топганлигининг қирқ йиллигини эфр шодлик билан ишонладилар. Бу байрам украин халқининг Коммунистик партия теварига жипслаганлиги ва бирлигининг, совет халқлари бузилмас дўстлигининг қурагани намойиши бўлди.

Янги йил арафасида ишлаб чиқариш соҳасида эришилган муваффақиятлар тўғрисида Совет мамлакатининг ҳамма қисмида меҳнат рапортилари олинмоқда. Ўзбекистон ва Туркменистон иттифоқи республикалари меҳнаткашларининг пахта тейбларини давлат планини муздатида илгари бажарганликлари тўғрисидаги хабарлар матбуотга эълон қилинди. Бугун «Правда»да Тошкентини пахтакорларнинг ўз мажбуриятларини муваффақиятлар суратга бажарганликлари тўғрисидаги хабар босилди.

Ўзбек, тожик ва туркман пахтакорларининг меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари Коммунистик партиянинг ленинча миллий сисбати буюк ҳаёт кучини эркин ифода этади. Чор Россиясидаги ана шу чекка ўлкаларнинг ўтмишда иқтисодий ва маънавий жиҳатдан қолоқ бўлган халқлари Совет ҳокимияти йилларида ўз турмушларини таниб бўлмаслик даражага ўзгартириб юборилган, иқтисодий ва маънавий тараққиётнинг юксак даражасига эришилди.

Пахта — Урта Осиёдаги совет республикаларининг катта бойлигидир. Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистон меҳнаткашлари пахта майдонларини бутун чоралар билан кенгайтириш, пахта ҳосилини йил сайин кўпайтириб, ана шу қимматли хомашини Ватанга кўпроқ етказиб беришни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар.

Пахтакорларнинг фидокорона меҳнати барча совет кишиларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. Ватанимиз пахтадан мўл ҳосил еттиштирувчи муқим усталари гоят қадрлайди, уларни СССР орден ва медаллари билан мукофотлайди, Социалистик Меҳнат Қарамоини унвоини беради. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон совет республикалари пахта еттиштиришда эришган катта муваффақиятлари учун Ленин ордени билан мукофотландилар.

Совет пахтакорлари бу йил меҳнат соҳасида янги ғалабаларга

эришилди. Ўзбекистон ССР мамлакатта тошпирилган пахтанинг миқдори жиҳатидан аввалдагидек ҳозир ҳам биринчи ўринда турибди. Ўзбекистон ССРнинг колхоз ва совхозлари бу йил давлатга 2 миллион 750 миң тонна пахта тошпирилди. Пахтанинг бешдан тўрт қисмига яқини биринчи сортларга қабул қилинди.

Андижон ва Сурхондарё областларининг пахтакорлари жуза катта муваффақиятларга эришилди. Ана шу областларнинг ҳар бири давлатга ўтган йилдагидан 31 миң тоннадан кўпроқ пахта тошпирилди. Бундай муваффақиятга асосан ҳаққончилик маданиятини юксалтириш ва ҳосилни кўпайтириш тўғрисида эришилди. Андижон областининг колхоз ва совхозлар 158 миң гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан пахта олинганлигини айтиб ўтиш киёфларидир. Сурхондарё областига олинган ҳосил бундан ҳам ортиқ бўлиб, бу областга ҳар гектар ердан 32 центнердан совет сорти пахтаси еттиштирилди.

Ўзбекистон пахтакорларининг маҳорати йил сайин ўсиб бормоқда. Эндиликда ҳар гектар ердан 30-35 центнердан пахта еттиштиришдан йиллик районлар оз эмас, республикадаги колхозларнинг 164 таси эса ҳар гектар ердан 30 центнердан ортиқ 45 центнергача ва бундан ҳам кўпроқ пахта олдилар. Бу йил пахтачилик учун об-ҳаво шароити ноқулай келган бўлса ҳам ана шундай натижага эришилди.

Бундай муваффақият қандай қилиб қўлга киритилганлигини Андижон районидаги Сталин номи колхоз мисолига қўриш мумкин. Бу колхозда салкам бир ярим миң гектар ернинг ҳар гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» еттиштирилди. Колхозчилар ва механизаторлар об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши оқсидида рўй берган қийинчиликларга қарши курашиб, эфр гайрат ва мақсадга эришиш йўлидаги эфр ирода билан меҳнат қилдилар, агротехниканинг илгор усулларини муҳрилик ва қўнг билан қўлландилар. Чити прогрессив усулда қават-қават ақили, ғўза машиналар билан икки томонлама парварий қилинди, ғўзани суториш учун ҳам машиналарни қўлландилар. Колхозчилар экин майдонларини яхши ўқитдилар. Илгор агротехникани қўлланиш, ишларни механизациялаш мўл ҳосил еттиштиришни таъминлади.

Тожикистон ва Туркменистон пахтакорларининг тажрибалари ҳам шунини исбот этади. Тожикистон колхоз ва совхозлари бу йил давлатга 433 миң тонна пахта тошпирилди. Бу эса республикада ўтган йили тайёрланган пахтадан 18 миң тонна ортиқдир. Тожикистон пахтакорларининг мамлакатимизда пахта ҳосилдорлиги жиҳатидан энг юқори кўрсаткичга эришганликлари йил қай қилиб ўтиш қувончидир. Ҳар гектар ердан 26,5 центнердан пахта олинди. Энг қимматли совет узун толали пахта сортининг ҳар

гектаридан 24,8 центнердан ҳосил еттиштирилди.

Туркменистон меҳнаткашлари шонли ғалабага эришилди. Улар давлатга 371 миң тонна эки 1956 йилдагидан 37 миң тонна кўпроқ пахта тошпирилди. Бу ерда ҳар гектар ердан ўтган йилдагига нисбатан қарийб 3 центнер кўпроқ пахта олинди. Йқин ўтмишда республикадаги айрим колхозларгина ҳар гектар ердан ўттиз центнер ва бундан ҳам кўпроқ пахта еттиштирган бўлсалар, эндиликда бундай колхозлар сони кўп даражада ортиди.

Кейинги йилларнинг практикаси ва республика пахтакорларининг эришган муваффақиятлари пахта еттиштиришдаги янги, прогрессив усуллар тўғри эканлигини аққол билдириб берибди. Эндиликда кент майдонларда қатор ораларда тор олинди чити аққолмоқда. Бу усул ҳар гектар ердан ғўза туллари миқдорини анча кўпайтириш, ғўзанинг ривожланиши учун энг қулай шароити вужудга келтириш имконини беради. Ғўза тулларида қавратулаб жойлаштириш усули ҳам кент қўлланилмоқда. Чити ана шу усулда экинганда ғўза ёстириш соҳасидаги ишларни меҳанизациялаш, ҳосилни кўпайтириш ва маҳсулот еттиштириш сарфаланиган меҳнатни кескин суратда қамайтириш учун тўла имконият вужудга келади.

Ана шу ва бошқа илгор усуллар, шубҳасиз, ҳамма ерда татбиқ этилиши лозим, чунки бу усуллар пахта ҳосилдорлигини ва унинг яқин ҳосилини анча кўпайтиришнинг асосий резервларидан биридир. Шу билан бирга пахтакорлар пахтачилик соҳасидаги ва жумладан ҳосилни йиғиштириб олинганлиги барча ишларни меҳанизациялаш масалалари устидан қўнг билан самарали меҳнат қилишни СССР ва республикаларнинг министрликларидан, олимлари ва конструкторларимиздан ҳақли суратда талаб қилмоқдалар.

Пахтакор районларнинг меҳнаткашлари олдида маъсулоти вазирилди. Улар ўз тажрибаларидан кент қўлланганлиги ва бу тажрибаларини доим кўпайтириб, ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир област ва республикада пахта ҳосилини янада оширишлари лозим. Ҳосилни ошириш — мамлакатда пахта еттиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервидир. Шу билан бирга, Мирзачўлдаги ва бошқа районлардаги ерларни ўзлаштиришда катта эътибор бериш керак.

Пахта — Ватанимизнинг бойлигидир. Коммунистик партия қишлоқ хўжалиги хўжалиқари олдида пахта еттиштиришнинг тагин ҳам анча кўпайтиришни таъминлашдан иборат энг муҳим вазифани қўяди. Ана шу вазифани амалга ошириш учун бутун кучларни сафарбар қилиш — пахта далалари меҳнаткашларининг бурчидир.

(«ПРАВДА»нинг 27 декабрдаги бошмақолиси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Олий Советига сайловлар ўтказиш тўғрисида

1958 йил 14 мартда тўртинчи қақриқ СССР Олий Совети ваколатининг муддати тугаши муносабати билан, СССР Конституциясининг 54-моддасига биноан, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

СССР Олий Советига сайловлар 1958 йил 16 март якшанба кунига белгилансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1957 йил 28 декабрь.

Украина КП Марказий Комитетининг пленуми

КИЕВ. 26 декабрь. (ТАСС). 1957 йил 26 декабрда Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўртоқ А. И. Кириченко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретарилиги ва Президиуми аъзосидан озод қилди.

Пленум Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб ўртоқ Н. В. Подгорний сайлади, уни Украина КП Марказий

Комитетининг иккинчи секретарилиги вазифасидан озод қилди.

Пленум ўртоқ Л. И. Найдюкни Украина КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб сайлади.

Пленум Украина КП Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. И. Гавейни Украина КП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси қилиб сайлади.

Пленумда А. И. Кириченко ва Н. В. Подгорний ўртоқлар сўзладилар.

Пленум охирида КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрущев нутқ сўзлади.

Қозғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми

ОЛМАОТА. 26 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда Қозғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум КПСС Марказий Комитетининг аъзоси бўлиб ўртоқ И. Д. Яковлев) муҳокама қилди ва декабрь Пленумининг қарорларини аққил билан маъзуллаб, қарор қабул қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Президиумининг аъзоси Н. И.

Белаявни Қозғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади ва ўртоқ И. Д. Яковлевни бу вазифадан озод қилди.

Пленум Қозғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари қилиб ўртоқ Ф. Б. Қариевни сайлади ва ўртоқ Н. И. Журички бу вазифадан озод қилди.

Пленум ўртоқ Г. А. Мельникни Қозғистон КП Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг АХБОРОТИ

1957 йилда кўмир ва нефть чиқариш планининг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида

Кўмир ва нефть саноати хўжалиқари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ҳамда СССР Олий Совети еттиччи сессиясининг саноатни бошқаришнинг ташкил қилинишни тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошира бориб ва социалистик мусобақадати ўз мажбуриятларини бажара бориб, кўмир ва нефть чиқариш юзасидан 1957 йил учун белгиланган план тошпирилари муддатидан илгари бажардилар.

Кўмир чиқариш йиллик плани 26 декабрда, нефть чиқариш йиллик плани 27 декабрда бажарилиди.

Планда ташқари 7 миллион тоннага яқин кўмир ва 1 миллион тоннадан ортиқ нефть чиқарилиди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг АХБОРОТИ

1957 йилда рангли металллар ишлаб чиқариш планининг муддатидан илгари бажарилганлиги тўғрисида

Рангли металлургия хўжалиқари КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ва СССР Олий Совети еттиччи сессиясининг саноатни бошқаришнинг ташкил қилинишни тақомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб ҳамда социалистик мусобақадати кент аққолни асосида 1957 йилда рангли металлларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар.

Планда ташқари анча миқдорда алюминий, магний, қўроғиш, рух, қалайи ва бошқа хил рангли металллар ишлаб чиқарилади.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси

Эртага „Пахта байрами“.

Бу байрам фидокорона меҳнатимизнинг ёрқин намоишига айлансин, келгуси йилда янги меҳнат ғалабаларига руҳлантисин. 1958 йилда пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун курашга, ўртоқлар!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТУЛА ОБЛАСТИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва давлатга тошпириш кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун Тула области Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1957 йил 27 декабрь.

СССР Олий Совети Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва давлатга тошпириш кўпайтиришда эришган муваффақиятлари учун Тула области колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, партия, совет, комсомол ва қишлоқ хўжалик органдари ходимларининг катта гуруҳасини мукофотлади.

Ҳаммаси бўлиб 2040 киши, шу жумладан Ленин ордени билан 96 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 271 киши, «Хурмат Белгиси» ордени билан 449 киши, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 563 киши ва «Меҳнатда ўрнат қўратганлиги учун» медали билан 661 киши мукофотланди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштириш ва тошпириш кўпайтириш ишида алоҳида ўрнат қўратган колхозчилар, МТС, совхоз ва партия органдари ходимларидан 10 кишига Социалистик Меҳнат Қарамоини унвоини берилади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ И. С. КОНЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Маршали И. С. Коневнинг туғилган кунига олтинчи йил бўлиши муносабати билан ҳамда унинг Совет Армияси ва Совет давлатида кўрсатган хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ Иван Степанович Конев Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.

1957 йил 27 декабрь.

Бадий академияга 200 йил

СССР Большой театрида юбилей сессияси

27 декабрда Большой театрида СССР Бадий академияси умумий йиллигининг юбилей сессияси очилди.

Тантанали мажлис президиумида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Е. А. Фурцева, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва кандидат П. Н. Поспелов, тасвирий санъатнинг кенса аъзоблари С. Т. Боненков, В. Н. Бахшеев, Б. Ф. Юон, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Москва партия ва ҳамоат ташкилотларининг вакиллари иштирокчилар.

Сессияни СССР Маданият министри Н. А. Михайлов очди. СССР Бадий академияси президенти вазифасини бажарувчи СССР халқ рассоми Б. В. Иогансонга ҳоқлаз учун сўз берилди.

Бадий академияни КПСС Москва шаҳар комитети номида шаҳар комитетининг секретари С. Д. Орлов.

Ленинград область ва шаҳар партия комитетлари ҳамда Ленинград Совети ижроия комитети номида Ленинград Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари А. И. Соко-

лов, Совет рассомлари союзи номида — СССР халқ рассомлари союзи правлениесининг раиси К. Е. Юон, СССР Қурулди Кучлари номида — икки марта Совет Иттифоқи Қарамоини генерал-полковни Е. Я. Савицкий, СССР Фанлар академияси номида — академикни вице-президенти К. В. Островни номида, ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзоси — Марказий Комитет секретари С. К. Романовский, Совет аъзоблари союзи номида — правлениесининг биринчи секретари А. А. Сурков, Лихачев номида автомобил заводининг коллектив номида заво комитетининг раиси Г. П. Сафонов, бошда жуза кўп ташкилотлар ва муассасаларнинг вакиллари таъриқландилар.

Чет эл делегацияларининг вакиллари совет тасвирий санъат усталари таъриқ сўзлари билан муносабат қилдилар.

Мажлис қатнашчилари СССР Бадий академияси юбилей сессиясининг КПСС Марказий Комитети Президиуми ва СССР Министрлар Советига таъриқ хатини қишлоқ маъзуллаб кутиб олдилар. (ТАСС)

СССР рассомлар союзи правлениесининг пленуми

СССР рассомлар союзи правлениесининг тўрт кун давом этган пленуми 26 декабрда тугади. Пленум союзи секретари Д. С. Суслонининг РСФСР рассомлар союзи ташкилот комитетини тузиш ҳақидаги маълумотларни алоҳидагина ва СССР рассомлар союзининг 1958 йилги ишлари планни тўғрисидаги ҳаққончиликни, СССР бадий фонининг янги, 1958 йилги ишлари, рассомлар союзининг ағона аъзоблик билетини бериш тўғрисидаги проект, бадий кенгашлар ҳақидаги илгор ҳам муҳокама қилинди.

Пленум қатнашчилари Россия Федерацияси рассомларининг ағона союзига бирлаштирилиши амалий аҳамият билан бирга сийсий жиҳатдан ҳам, катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Келгуси йилда РСФСР рассомларининг биринчи сьезди қаърилади.

Пленумда СССР рассомлар союзининг 1958 йилги кент ишлари

СССР темир йўл транспорти ходимлари юк

ташиш йиллик планини муддатидан

илгари бажардилар

Темир йўл транспорти ходимлари 1957 йил учун белгиланган юк ташиш умумий планини ва юк обороти планини 20 декабрда бажардилар. Топ кўмир, кокс, руда, ёғоч, тахта, доғ, ун, минерал қурилиш материаллари, цемент ташиш плани муддатидан илгари бажарилиди. Шу-

нингдек, юк вагонининг обороти тедаштириш юзасидан 1957 йил учун белгиланган тошпириқ ҳам бажарилди.

Пил охиригача пландан ташқари 40 миллион тоннага яқин юк ташилади. (ТАСС).

СССР Денгиз транспорти ходимлари юк ташиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар

Денгиз транспорти ходимлари юк ташиш умумий планини муддатидан илгари, 18 декабрда бажардилар. Флотининг иш умумдорлиги юзасидан

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловнинг Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясига телеграммаси

ҚОҲИРА. 27 декабрь. (ТАСС). Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси номида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловдан қуйдаги телеграмма олинди:

ҚОҲИРА

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференцияси президиумига

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги конференциясининг қатнашчиларига самимий салом тошпиришни сўрайман.

Икки буюк қитъа вакиллари қатнашаётган конференциянинг ҳамма халқлар ўртасида дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш, маънавий ва иқтисодий

алоқаларни ривожлантириш учун, тинчлик ва бутун инсониятнинг равақи учун курашаётган кучларни бирлаштиришда катта муваффақиятларга эришувини истабман.

СС



М. Горький номли киностудиянинг катта ижодий коллективини оқибди киноматограф, аjoyиб сценарист Сергей Герасимов раҳбарлигида машҳур совет сўзчиси Михаил Шолоховнинг ўзласи асосида яратилган уч сериялик киноэпопеянинг биринчи ва иккинчи қисмлари устидан самарали ишнинг узуг байрам арафасида аюналади ва кўнмишлик таловчи тамошбинларимизга таъдм утди.

Рангиз картинанинг ҳаққоний кизлари Шолоховнинг қуратли қалами билан яратилган Дон манзараларини, казакларнинг уфодларини, уларнинг қўраларини, кучли ирода, бой аҳтирос, лирик туйғу ағиси бўлган кишиларни гавдалантириши, революция арафасида кимол топаётган казак йилги Григорий Мелехов онгидати эволюцияни, кишиларнинг ўзаро муносабатларини ҳикоя қилади. Тамошбин ота-онасининг раъйига қарамай юракдан севган Ақсёни билан қўралдан қочиб кетган Григорий бошига тушган бахтсизлик ва саргузаштларни ҳамда унинг тақдирини кузатар экан сценарий аюри ва режиссер Герасимовнинг Шолохов асарини руҳини тўла бера олганлигига ва шу билан бирга муваффақият, орғинал, гўзал ва ҳаққоний санъат асарини яратганлигига тўла ишонч ҳосил қилади. Бош оператор Владимир Рапопортнинг ижодий излашлари, аjoyиб манзараларни устали билан танлай олганлиги ва моҳирона суратга олиб, монтаж қила олганлиги фильмнинг муваффақиятини чиқинида катта роль ўйнаган.

Биринчи серияда асосан Григорий Мелехов билан гўзал казак қиз Ақсёни ўртасидаги кучли муҳаббатни, улар қабилдан топиб чиққан аҳтирослар буюнини, эркин муҳаббат туйғуларини тугенини ва ниҳоят беафо хотинга қисбатини йилги кўксига жўш урган қаҳругазз алаңасини кўрсатиши биринчи планга қўйилган ва шунинг учун унга илтим-лирик мотив уотин чиққан бўлса, иккинчи серияда романтик марказий тосенини, яъни революцион воқеалар буюнида тангиб қолган, кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақ эканлигини билмамай гарант бўлган Григорий Мелеховнинг феодалнинг кўрсатиши биринчи планга қўйилган.

Иккинчи сериянинг дастлабки кадрларидасқ узуг революцион воқеаларнинг нафис дарҳол сезилди. Февраль революцияси галаба қилгач, чорлик ағарилди, казакларнинг кўли «энди уруш тугали, солдатларнинг қол оладан пайти келди» деган туюнча билан тўла-тўла бўлиб ўйларига қайтилди. Шулар орасида жасурлиги учун кўксини темир крест орденларига тўлдирган, офицер бўлиб олган Григорий ҳам бор эди. У ота-ониси, гўзал қизини, ўғилларини қариндошларин билан савимини ва иссиқ кўрсини олиб кетган совғаларини улашди. Айниқса унинг отаси Пантелей Прокофьев Мелехов хурсанд. У ўғлини олқийлашди, пул ва мол-дўш орғириш учун, казак шайини угулган учун курашда фидокор бўлишини уқтирди. Ана шу ота-бола суҳбати эпизодада хусусий мулкчилик психологиясининг ашадий таровдори бўлган Мелеховларнинг ички дунёси, нигоишлари ўз ифодасини топади. Бу аса кейинги кадрларда ҳикоя қилинган бир қатор воқеаларда ўзининг бадиий ифодасини топади. Жумладан Пантелей Мелехов ўрта

қол казак аёлининг уйига бориш унинг ашларини зўрлик билан тортиб олиб келади. Григорий Мелехов онгига ўраниб олган ана шу хусусий мулкчилик тенденцияси уни кучли революцион кураш тирдоида тангитади, уни кўнмиша халқ ва революция душманлари — оқ казаклар кучига итаради. Дастлаб Григорий болшевикларнинг максаллари, талабларини, уларнинг дарҳол суҳб тузиб, урушга барҳам бериш ва халқ ҳокимиятини ўрнатил тарофори эканликларини англай бошлайди. Уларга қўшилди. Революционер казаклар раҳбари Подтелков ва бошқа болшевиклар билан бирга Донда совет ҳокимиятини ўрнатил учун курашга қўшилди жангларда қаҳрамонлик кўрсатади ва оғилдан яраланди. Глубокая станцияда бўлган шиддатли бир жангда Подтелков оқ казак офицерларидан бир гуруҳини асар олади ва халқ қўшини тўқнашди билан халқ молини талаганликлари учун уларни шафқатсизлик билан жазолайди. Шунда Григорий Подтелковдан казак офицер Чернецовни жазоластини, уни қабилга овоз қилишни талаб қилади. Лекин Подтелков бунга рози бўлмайди, ашадий оқ офицерни жазолайди.

Қаттиқ ранжиган Григорий Подтелковдан юз ўгиради, казакликка ҳиёнат қилиди, «олки казак миллатини» ҳақорат қилиди деб ўйлайди. Контрреволюцион унсурларнинг халқ ва революция қарши аштарилар буюни Донга йилиб бо-роётган, тобора авж олаётган пайт эди. Татар хуторига оқ армиянинг вакиллари пайдо бўлиб сафарбарлик бошлайдилар. Хутордан тўпланган отряднинг қамқарлигига Григорийнинг ақиси Петр Мелехов сайланади. Кураш омониси ва даҳшатли тўс олиб кетади. Ўз унсурлар халқини талайдилар, жазолайдилар, айниқса қизилларга хайрихоҳ бўлганларини қаттиқ таъдиб қиладилар. Дондаги революцион комитет раҳбари, аjoyиб революционер Подтелков ва унинг шериклари жазоланди. Подтелков ва унинг сафдошлари ўзимиз назар-писан қилмай ўз ишларининг ҳаққоний эканлигини, пировардида халқ ҳокимияти галаба қилажagini далил айтидилар.

Бунда талантли артист Н. Муравьевнинг бадиий маҳоратига юксак баҳо бериб ўтиш керак. У яратган Подтелков образи ўзининг жанговарлиги, жасурлиги, таъдир камониди ва меҳрибон дўст эканлиги билан тамошбинини мафтун этади. Айниқса унинг дорға осилиши олдиан айтган мардона таълири, ўзини жасур тугини, Григорийга таъна ва нафрат билан боқибши ва халққа зўр имончи билан мувожаат қилиши тамошбинга чуқур таъсирот қолдилади. Шундай оламнинг ноуб бўлиб кетганлигини ёлган Григорий ҳамон «Подтелков казакчиликка ҳиёнат қилганлиги учун қасосга уқради» деган фикрга ўзини ишонтиришга ҳаракат қилади. Шу билан бирга у қаттиқ изтироб чекади. Артист П. Глебов бу воқеалардан ҳаяжонга келган Григорийнинг ички дунёсини устали билан очиб берувчи реалистик тасвирий воқеалар топа билган. Артист кучли ирода ағаси бўлган Григорий характерига эътиборини, унинг ҳақ ўғлини топа олмай изтироб чекишини бўрттириб берган. Григорийга қизилларга бўлган ишонсизлик айниқса ақиси Петриний Михаил Кошевой томонидан ўлдирлишидан сўнг алаңаланлиб, душманликка ай-

ланади. Энди у ҳамқишлоқлари Кошевой, Валет, Котловлар сингари революцион қайғидаги казакларга қарши курашга отланади. Шундан сўнг бўлган бир жангда қизилларга қарши жон-жаҳди билан уруш қилади, ақиси ва ҳақоратланган виждон учун қасос олишга киришади.

Фильмнинг иккинчи серияси Григорийнинг душман лагерига батамом ўтиб кетиши билан тугайди. Фильм аюторлари асосан жанг лаваларини, казак сондатлари ва офицерлари ўртасида юз бораётган ақарлишини, юқори табақа вакиллари билан халқнинг тўқнашувини, бойликка хирс қўйган меҳовларнинг курашини, турли табақаларнинг революцион ҳукуматга муносабатини кенг масштабда кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Воқеалар меҳовлар уйдан жанг майдонига, ресторандан Москва вокзалига, «Аврора» крейсеридаги қишки саройга, жанг майдонидан Дон соҳилларига кўчади. Ҳамма ерда омониси жанг бурди. Ана шу жўш урган воқеалар буюнида қатнашган асосий қаҳрамонларнинг образлари очилиб боради. Мана Питер ишчиларидан Дон казакларига нақил бўлиб келган Мирон Гиторович Коршунов (артист А. Жуков), хутор комитетининг раҳбарларидан Михаил Кошевой (артист Г. Карякин), болшевик Штокман (артист В. Шагуновский), Улар янги ҳаётни ҳимоя қиладилар, халқ билан бирга кўшамаллар, оқарга арба берадилар, жасурлик намуналарини кўрсатадилар. Буларга қарама-қарши турган казак офицерларидан Петр (артист Н. Смирнов), Евгений Лисицкий (артист И. Дмитриев), Калмыков (артист М. Глузский)лар ўз илтишларини, марсалар билан қизилларга таъмон қарши турадилар, оқ казаклар иёсини қўшилди кетайдилар, таловчиликдан қайтмайдилар.

«Тинч оқар Дон» бадиий ва рангиз фильмнинг иккинчи сериясида Пантелей Прокофьевич Мелехов (артист Д. Ильинский) образи янада тақомиллашган. Бунда унинг пасткашлиги, мол-дўш кетидан кувини, эски тартибларини сақлаб қолтишга илтишини янада равшанроқ кўрсатилган.

Бошдан оёқ жанговарлик ва шиддатли кураш эпизодлари билан тўлган бу бадиий полотнода аёллар образига камроқ эътибор берилган. Жумладан, фильмнинг биринчи сериясида талантли актриса Элина Бистрицкая ижросидаги жисмоний кучли, гўзал ва ҳуснок казак аёли Ақсёни, Григорийни қаттиқ севган, ундан ажралишдан кўра ўлимни афзал кўрган Наталья (артистка З. Киреева) жуда катта ўрин тутган бўлсалар ҳам, иккинчи сериядаги асосий воқеаларда қатнашмайдилар.

Умуман фильм моҳирона постановка қилинган. Айниқса оммавий саҳналар, шиддатли жанг эпизодлари, казак иёбларини, революция воқеалари, генерал Краснов сарайидаги тантаналар, тинч оқар Донларнинг сокин ва гўзаллиги реалистик, кенг планда моҳирона суратга олинган. Катта ва кичик деталлар бир дорға санъаткорлар постановка қилган. Буларнинг ҳаммаси тамошбиннинг таассуротини бойлатади, унга бой маънавий озиқ беради. Шунинг учун тамошбин фильмнинг учинчи сериясини орзиқиб кутади.

М. АХЕЕВ.

Қоҳирадаги бирдамлик конференциясида

ҚОҲИРА, 27 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик конференцияси ўзининг давом эттирмоқда. Кеча бўлиб ўтган яъни мажлисида Хиндустон делегациясининг аъзоси доктор Анан Сингхнинг докладыдан кейин конференция кун тартибидати иккинчи масалани империализм ва мустамлакачилик тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришди. Бу ҳақда Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатларнинг вакиллари доклад қилдилар.

Миср вакили Халид Мухитдин ўз докладыда мустамлакачи давлатларнинг Африка ва Осиё мамлакатлари территорияларини босиб олгани тарихини эслатиб, иккинчи жаҳон урушининг кейин бу райондаги мамлакатларда вужудга келган аҳволга тўхталиб ўтди. Бутун дунёда катта территорияларнинг империалистлар ҳукмронлигидан озод бўлганлиги, деҳи у, бу даврдаги энг муҳим хусусиятлардан биридир. Қоҳирта шайта мустамлака ва протекторатларнинг аҳолиси бутун ер юзидати аҳолининг фақат 6 проценти-нигина ташкил этади. Ҳолбуки, иккинчи жаҳон урушига қадар бу мамлакатларнинг аҳолиси жаҳондаги бутун аҳолининг тахминан 33 процентида баровар эди.

Лекин, дейди Миср делегати, урушдан кейинги империализм ҳарбий пастлар тузиш, кам тараққий этган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитомалар тузиш йўли билан бу райондаги ўз позицияларини қайтадан тиклаб олишга уринмоқда ва яқиндагина мустамлакачи аё бўлган мамлакатларга қарши бевосита агрессия ҳаракатлари қилмоқда. У бунга мисол қилиб Англия-Франция-Исроилнинг ўтган йил кузда Мисрга қарши қилган агрессиясини кўрсатиб ўтди, шунингдек қоҳирта кунда Эйзенхауэр доктринаси байроғи остида ақарлиб қилинган АҚШ империалистларининг Янги Парк халқларини ўз ҳукмрончилигига остига олиш йўлидаги уринишларига муваффақ тўхтади.

Сўнгра, Халид Мухитдин айтдики, империалистларнинг ҳар қандай кирдиқорларига қарамай, «озод қилинган мамлакатлардаги ва бутун дунёдаги миллий ҳаракатнинг доимий зарбалари остида империализмнинг тез кулаб бораётганлиги ҳоҳирти халқлар аҳволининг энг муҳим аспектидир. Осиёда ва Африкада миллий ҳаракат роят қулайди. Халқлар галаба қозонишларида ҳамма ўз мустамлакачиларини ҳимоя қилишга «ки ҳали ҳам бўлса ўз мустамлакачилари учун курашгадан бўлсалар, уни қўлга киритишга қодир эканликларига кўпроқ ишончдан бўлиб қолдилар». Империалистлар-

нинг Индонезияда, Жазаирда, Порт-Саидда ва Сурияда мағлубиятга учратганликлари, деб қўшимча қилди у, «Империализм галабалари даврий ўтиб кетганлиги»ни исбот этувчи ақиси далиллар.

Миллий кучларнинг муваффақиятларга эришганликларида асосий сабаб, дейди у, Осиё ва Африка халқлари ўртасида шунчалик кенг миқёсда бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатилганлигидир. «Шак-шубҳа йўқки, Бандунг конференцияси Осиё ва Африкадаги миллий ҳаракатнинг кучини ақдол ишботлади. Ҳозирги конференция, — деб таъкидлади пировардида Миср делегати, — жаҳондаги барча тинчликсевар ва эрксевар мамлакатлар империализм ҳужумига қарши ўз мустамлакачиларини коллектив бўлиб ҳимоя қилишга қатъий бел боғлаганликлари кўрсатади».

Камеун делегациясининг аъзоси — Камеун аҳолиси иттифоқи» раиси доктор Феликс Муми ўз докладыда тарихий Бандунг конференциясидан кейин ўтган давр ичиди жаҳонда Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачилик зулмидан ҳалос бўлиш жараёни давом этаётганлигини тўғрисида таъкирди. «Бандунг конференциясидан кейин, — дейди у, — мустамлакачи тўқнаш Осиё ва Африка халқлари ўртасида ёйилди. Уша вақуудан бери Тунис, Марокко, Судан, Гана ва Малайя мустамлакачи аришдилар».

Камеун делегати бошқа мустамлакачи мамлакатларнинг халқлари ҳам мустамлакачиларнинг манфур васийлигидан ҳалос бўлишга кун яқин қолди, деб таъкидлади.

Судан делегациясининг аъзоси Мухаммад Аҳмад Махтуб ўз сўзида Африка мамлакатларида ирқий камситишнинг вужудга келиши тарихига тўхталиб ўтди. Исоният, дейди у, жаҳон виждонига устиди оғир оғир бўлиб турган бу проблемалар кўз юма олмайдди. Биз халқларнинг тенглиги уларнинг таянч қандай бўлишидан қатъий назар, БМТ Уставини маъмурий таркибий қисмидир деб ҳисоблаймиз. БМТга аъзо бўлган бир давлатнинг ирқий камситиш билан шугулланишга йўл қўймаслиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бурчидир, деб таъкидлади Мухаммад Аҳмад Махтуб.

Пировардида Судан вакили конференция қатнашчиларига мувожаат қилиб, ирқий камситиш сисбатини қоралайдиган резолюция қабул қилишга ҳамда бу резолюцияни амалга ошириш юзасидан бир қанча конкрет чоралар кўришга таъкирди.

Шундан кейин, Япония делегати Каору Йеун сўзга чиқиб, тинчлик учун, ақро қўроли синовларини ва

қўлалишини таъкидлаш учун кураш программасини баён этиб берди. Бутун дунё халқлари олдида турган ва кечиктириб бўлмайдиган биринчи мақсад, дейди у, ҳамма мамлакатлардаги парламентлар ва ҳукуматларни ақро қўроли синовларини дарҳол ва сўзсиз таъкидлашга сафарбар қилишдан иборатдир. Япония делегациясининг вакили АҚШ давлат секретари Даллес томонидан баён этилган «чекланган атом уруши» деб аталган империалистик план ҳақида таъкирди, шу планга мувофиқ, империалистлар, даставвал, танлари рангли халқлар ашайдиган мамлакатлар устига атом ва водород бомбалари ташлашни ниёт этмоқдалар, дейди.

Агар «соф бомбалар» деб аталган бомбалар ҳақидаги афсоналар ҳақиқатга тўғри келадиган бўлса, дейди Каору Йеун, нима учун Буюк Британия синовларини ўз территориясида ўтказмасдан, ақро бомбаларини ер шарининг бошқа бир қисмида портлатмоқда?

Япония делегациясининг вакили ўз сўзининг охирида 1958 йил август ойида, яъни Хиросима ва Нагасаки бомбардировка қилинган куннинг йиллигига атом ва водород бомбалари синовларини қарши норозилик юзасидан халқлар конференция, қўролсизланиш учун кураш конференцияси қақирини таъкирди.

Жазаир делегациясининг аъзоси Айна Хасан Жазаирда француз мустамлакачилари томонидан бош-лаб юборилган уруш тўғрисида ҳамда Жазаир халқининг миллий озодлик кураши ҳақида доклад қилди.

Мажлисида Индонезия вакили Сарражитин Аббас ва Сурия делегати Махруф Азлавалиб ҳам сўзга чиқдилар. Сурия делегати ўз докладыни Осиё ва Африка халқларининг иқтисодий ва техника ҳақдорлиги тўғрисидаги масалаларга бағишлади.

Конференция ўтказишга тайёргарлик комитетининг қарорига мувофиқ, 27 декабрь эрталаб конференциянинг иккинчи, иқтисодий, маданий, соҳил ва маъмурий масалалар билан шугулланувчи комиссияларнинг мажлислари бўлди.

27 декабрь тушдан кейин Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик конференциясининг иккинчи иқтисодий ва техника ҳақдорлиги масалалари, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда шу райондаги мамлакатларда хотин-қизларнинг ва боаларнинг аҳволи масалаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

27 декабрь тушдан кейин Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлик конференциясининг иккинчи иқтисодий ва техника ҳақдорлиги масалалари, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатлари ўртасида маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда шу райондаги мамлакатларда хотин-қизларнинг ва боаларнинг аҳволи масалаларини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Шундан кейин музокаралар олиб бориш ва совет мутахассисларини Цейлон экономикаси билан таништириш тартибга белгиланди.

Учрашув вақтида Бандаларанике Совет Иттифоқи иқтисодий делегациясининг Цейлонга юборилганлиги

Ер суний йўлдошларининг ҳаракати тўғрисида

28 декабрь эрталаб соат 6 га қадар Ернинг иккинчи суний йўлдоши Ер атрофини 772 марта айланиб чиқди. Ернинг биринчи суний йўлдоши шу вақтга қадар — 1288 марта айланиб чимди.

Ҳаво очиб бўлганда иккинчи суний йўлдоши нуш боғланган кейин шимолди кенглигининг 42 градусидан 55 градусигача ва нуш чини оқидан жанубди кенглигининг 7 градусидан 42 градусигача оддий кўз билан кўриш мумкин. (ТАСС).

БАДИЙ ФОТОГРАФИЯ ВИСТАВКАСИ

Кеча Тошкент офицерлар уйида бадиий фотография виставкаси очилди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги томонидан ташкил қилинган бу виставкага 47 автор томонидан олдинга 300 га яқин фотокўйилган. Бу фотоларнинг аюторлари ўз ижодий маҳсулотларида республикамизнинг саноат корхоналари, қишлоқ ҳўжалиги, фан ва маданият муассасалари ҳаётини ақс эттирганлар.

Ўзбекистоннинг энг кекса фотографи М. Пенсон томонидан олдинга расмлар айниқса қилдиқта сазовордир. Виставкага профессионал фотоаюторлар билан бир қаторда 15 га яқин ҳаваскор фотоаюторларнинг ҳам олган суратлари қўйилган.

Виставкада фотопортретларга алоқид бўлиб ақартилган. Уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсунқулов, ёш тиржир Дилбар Абдурахмонова, Сталин мукофотининг лауреати, СССР халқ артисти Абдор Хидоятон фотопортретлари аюторлар томонидан сифатли ва нафис ишланганлиги билан ажраллиб турибди.

3. АХТАМОВА.

Бугун ва эртага телевизор экранида

29 декабрда

15.00. Мультипликацион фильмлар — «Муъиззакор қиз» ва «Қор қиз». «Якнама яқна».

19.30. Руминия Халқ Республикаси тузилганлигининг 10 йиллигига бағишланган эшиттириш.

19.50. «Пахта байрами»га бағишланган эшиттириш.

20.30. Бадиий фильм — «Бир қизни учратди».

30 декабрда

19.30. «Қардош халқларнинг улуг оиласида» деган эшиттириш.

19.50. «Пахта байрами»га бағишланган эшиттириш.

20.00. Адабий музикали эшиттириш — «Келажак кунларга саҳҳат».

21.20. Бадиий фильм — «Фавқулодда кун».

БИЛДИРИШ

Тошкент область ижроия комитети билдиридики, 1957 йил 29 декабрда кундуз соат 12 да «Пахта байрами» шарофига Тошкент иппаромиди улоқ бўлади. Улоқда Тошкент областининг барча районлари, шунингдан Тошкент ва Қозғистон чавандозлари ҳам қатнашади.

Редактор З. ЕСНБОВЕВ.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон кентораси

МАКТАБЛАРИНГҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА КУРСАТИШ УЧУН

РЕСПУБЛИКА КИНОУСТАНОВКАЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ҚУИИДАГИ ЯНГИ ФИЛЬМЛАРИНИ ЧИҚАРАДИ

Қанотли совға

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ

Сценарий аютори — М. Зверев.
Постановкачи режиссерлар — В. Шрейберг, А. Слободкин, Э. Файк.
Ролларда:
Г. Нормамбетов, А. Едигенов, Л. Климова-Мишкова, Л. Новиков, С. Нурхамолов ва бошқалар қатнашади.
Фильмни Ереван киностудияси ишлаган ва 1957 йилда чиқарилган.

Барс дараси асирлари

НОИЛИ САРГУЗАШТ ФИЛЬМ

Сценарий аюторлари — В. Аганин, М. Шатрыл.
Постановкачи — Ю. Ерзинян.
Ролларда:
Ю. Хачатрян, Л. Ордоян, Р. Мкртчян, Г. Хожгаури, А. Мкртычянлар қатнашади.
Фильмни Ереван киностудияси 1956 йилда ишлаган ва 1957 йилда чиқарилган.

Олтин бухтадаги сагузашт

НОМЛИ БАДИЙ ФИЛЬМ

Сценарий аюторлари — В. Пазоурек, В. Поар, Л. Гельге.
Режиссер — Бржетислав Поар.
Ролларда:
И. Черногорский, В. Глазун, Я. Рейшкова, Л. Струна ва бошқалар қатнашади.
Фильмни Прагадаги боалар фильм студияси 1955 йилда ишлаган.

МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАР:

УНУТИЛГАН ҚўИРЧОҚ, ТўҚҚИЗ ЖўЖА, ҚОР ҚИЗ, ҚОР МАЛИКА КўТИ-СЕК ВА КўТИЛГА БОЛАЛАР БАЙРАМИДА, ИР ЖИ ТРНКА ҚўИРЧОҚЛАРИ.

Янги йил арафасида

Меҳнат ва ижода буюк галабаларни кўзга қиритган совет халқи янги — 1958 йили кўтарини руҳ билан кўтиб олмоқда.

Янги йил арафасида республика миш поитхатидати киностудиялар, шу жумладан «Искра» киностудияи коллективини ҳам аҳолига маданий хизмат қилишни янада яхшилаш талабларини белгилаб қилдилар. Киностудия маъмурияти сессиялар орасидаги таваффуфинг 40 минутдан 30 минутга қисқарттири. Бунинг натижасида ҳар кун 22 мартага се-

анс берилиб, киностудия экранларида кўрсатилган фильмни 9-10 минг тамошбин кўришга муваффақ бўлмоқда.

Бундан ташқари аҳолига янада қўлайлик туғдириш мақсадига қорхона ва муассасаларда тамошбинларга олдиндан билетлар сотилмоқда, коллектив бўлиб келиб кўриш учун зиявқалар қабул қилинмоқда.

Фильмларнинг яхши кўрсатилиши айниқса кинемеханиклардан Х. Мухамедов, Г. Миланов ўртоклар

яхши натижаларга эришмоқдалар.

Киностудия коллективининг намунади ишлаши натижасида давлат томонидан беришган йиллик план муддатидан олдин 107,3 процент қилиб бақарилади.

Янги йил арафасида киностудия фойесида арча ташкил қилинади, 1-йиллардан бошлаб, боалар учун махсус сеанслар берилади, оркестр ва қизил бурчак тамошбинлар хизматига бўлади.

М. ДУСМАТОВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БўЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 136. Совет кўрилуши бўлими — 136. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ ҳўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Халқар бўлими — 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 34048. Эълолар бўлими — 38142.